

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 27-ҳадис

27 – عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، مَنْ أَحَقُّ النَّاسِ بِحُسْنِ صَحَابَتِي؟ قَالَ: «أُمَّكَ» قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «أُمَّكَ» قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «أُمَّكَ» قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «أُمَّكَ» قَالَ: ثُمَّ مَنْ؟ قَالَ: «أَبُوكَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб, «Эй Аллоҳнинг расули, менинг чиройли муомала қилишим учун инсонларнинг қайси бири ҳақлироқ?» деганида, у зот: «Онанинг», дедилар. «Кейин ким?» деди. «Онанинг», дедилар. «Кейин ким?» деди. «Онанинг», дедилар. «Кейин ким?» деди. «Онанинг», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Қуръони карим ҳам, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари ҳам онанинг фазли ва фарзандларда ҳаққи улуғ эканини таъкидлайди. Она фарзандга ҳомиладор бўлиб, бир неча ой машаққатла кўтаради, ўлим билан рўбаро бўлиб дунёга келтиради, сўнгра эмизади, меҳр кўрсатиб ғамхўрлик қилади, уни парваришлайди. Бу босқичларнинг ҳар бирида Она ўзини бахтиёр ҳолда, мамнуният ила, розилик ила фарзандни вояга етказиш машаққатини зиммасига олади. Қуръон ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам меҳрибонлик, мулойимлик ва раҳмдиллик рамзи бўлган онага гўзал муомала қилишга буюради.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Онанинг фазилати нақадар улуғлигини Аллоҳнинг китоби ва Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари таъкидлайди.
2. Ота ва онанинг ўзларига хос фазилатлари бўлишига қарамасдан онанинг отага нисбатан фазли ортиқроқ экани айтилади.
3. Набий саллаллоҳу алайҳи васалламнинг онани ҳаққини уч марта такрор айтишларига сабаб, она ҳомиладор бўлиб машаққат чекиши, туғишдаги тўлғоқ азоби ва эмизисини эътиборга олганлар.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI